

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШБЎРИЕВ УМАРБЕК РАШИДОВИЧ

**МЕҲНАТ БОЗОРИДА ИШ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Эшбўриев Умарбек Рашидович

Мехнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни ривожлантиришнинг самарали иқтисодий механизмлари..... 5

Эшбуриев Умарбек Рашидович

Эффективные экономические механизмы развития спроса и предложения на рабочую силу на рынке руда..... 29

Eshburiyev Umarbek Rashidovich

Effective economic mechanisms of labour demand and supply development in the labour market..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШБЎРИЕВ УМАРБЕК РАШИДОВИЧ

**МЕҲНАТ БОЗОРИДА ИШ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1034 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.reu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Холмумишов Шайзоқ Раҳматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Маҳкамов Бахтпер Шухратович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хайитов Абдуманнон Бухарович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация химояси Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.1.100.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 06 кунни соат 17⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кучаси, 3-уй. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; e-mail: info@reu.uz.

Диссертация иши билан Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кучаси, 3-уй. Тел.: (99871) 262-43-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 06 кунни тарқатилди.

(2021 йил «10» 06 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Х.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ЎзФА академиги

З.Г.Шакаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

З.Я.Худайбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг мутаносиблигини самарали иқтисодий механизмлар асосида таъминлаш, ишсизликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. COVID-19 пандемияси шароитида мазкур масалалар янада чуқурлашиб бормоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан эълон қилинган «2020 йилда жаҳоннинг энг қудратли иқтисодиёти ҳисобланган АҚШда 13 миллион киши, Европа Иттифоқи мамлакатларида эса 16 миллион киши, расмий равишда, ишсизлар сифатида рўйхатга олинган»¹. Шу жиҳатдан бугунги кунда самарали восита ва механизмлар асосида аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда иш кучига талаб ва таклифни мувофиқлаштириш негизида меҳнат бозорини барқарор ривожлантиришга оид тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада меҳнат бозорини ностандарт иқтисодий шароитда мутаносиблаштириш ҳамда иш кучига талаб ва таклифнинг бозор мувозанатига эришиш, рақамли технологияларга асосланган ҳолда иш кучининг мобиллигини ошириш асосида ишсизликни камайтириш, иш билан бандликнинг замонавий шакллари ишлаб чиқиш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда меҳнат бозорига кириб келаётган меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизларнинг касбий ҳаракатчанлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, иш билан бандлик дастурларини тузишда худудлар ривожланишининг хусусиятларини эътиборга олиш, меҳнат бозорида ишчи кучига талабни оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади»² мазмунидаги методологик қоида асосланган. Бу борада меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни иш ўрнининг технологик структурасидаги ўзгаришлар асосида мутаносиблаштириш, янги иш ўринларини худудий имкониятлардан кенг фойдаланиш асосида яратиш, ишчи кучи мобиллиги ва рақобатбардошлигини ошириш, иш билан бандликни тартибга солиш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари

¹ COVID-19 и мир труда // <https://www.ilo.org/global/topics/coronavirus/ru/lang--en/index.htm>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoveva-oliv-majlisu>

тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иш билан бандлик, ишсизлик, инфляция, меҳнат бозори муаммолари ва уларнинг ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида тартибга солиш каби масалалар тадқиқи бир қатор хорижий етакчи иқтисодчи олимлардан³: Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, М.Фишер, Р.Д.Эренберг, А.Пигу, О.В.Ромашов, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Н.А.Волгин, С.А.Карташов, Л.Чижова, О.Колесникова, Б.П.Панков, А.Рофе⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Уларнинг тадқиқотларида меҳнат бозорининг моҳияти, унинг шаклланиши, иш кучига талаб ва таклифнинг мутаносиблиги, ишсизликни камайтиришнинг асосий йўналишлари очиқ берилган.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги академик Қ.Х.Абдурахмонов раҳбарлигидаги илмий мактабнинг таниқли олимлари, шунингдек, Б.Х.Умурзоқов, Н.З.Зокирова,

³ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – М.: МИЭМП, 2010; Маршалл А. Принципы экономической науки / А.Маршалл: В 3 т. - М.: Прогресс-Т.3. 1984. -119 с.; Regional labor markets. Analytical contributions and cross-national comparisons. Ed. by. M.Fischer and P.Nijkamp. – Elsevier Science Publishing Co, 1987.-500 p.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика / Пер. с англ. – М., 1996, 34-б.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния / Пигу А.: В 2 т. - М.: Прогресс - Т.2- 1985. – 240 с.; Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. - М.: ЮПИТИ, 1999. - 407 с.; Одегов Ю.Г. и др. Рынок труда и социальное партнерство: Монография /Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Н.Г.Митрофанов. – М.: Хронограф, 1998. - 240 с.; Волгин Н. Теоретические основы экономики труда и социальных отношений // Экономика и социальные отношения.–М.: РАГС, 1998.; Карташов С.А., Одегов Ю.Г.,Кокорев И.А. Трудоустройство: поиск работы. Учебное пособие / Под. ред. Ю.Г.Одегова. – М.: Издательство «Экзамен», 2002. – 348 с.; Инновационная экономика: занятость, трудовая мотивация, эффективность труда / Л.С. Чижова, Е.С. Садовая, В.В. Кузьмин и др. под ред. Л.С. Чижовой Институт макроэкономических исследований. – М.: Экономика, 2011. -430 с.

⁴ Дудников С.В. Программное регулирование содействия занятости населения в мегаполисе: монография. –М.: изд-во НИП «2Р» - 2004.; Карташов С.А., Одегов Ю.Г.,Кокорев И.А. Трудоустройство: поиск работы. Учебное пособие / Под. ред. Ю.Г.Одегова. – М.: Издательство «Экзамен», 2002. – 348 с.; Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд. - 2002. - № 3. - С. 55-56.; Панков Б.П. Рынок труда на селе и его регулирование. Изд. 2-е, переработанное и дополненное. – М.: Агри Пресс, 2007. – 267 с.; Рофе А.И. Труд: теория, экономика, организация: Учебник для вузов. – М.: МИК, 2005. – 600 с.; Чусова Т.А. Развитие информационного рынка труда как фактор стабилизации социально-трудовых отношений / <http://www.work.kemsu.ru/sciece/1/1/shtml>; Просветова Ю.В. Механизм регулирования рынка труда в современной экономики России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Воронеж, 2003.; Татибеков Б.Л. Регулирование рынка труда и занятости человеческих ресурсов Казахстана в условиях глобализации (теория, методология, механизмы реализации). Автореферат дис. док. экон. наук. – Алматы: Институт Экономики Минобразования и науки Респ. Каз. 2007. – С. 42.

Ш.Н.Зайнуддинов, Г.К.Абдурахмонова, Н.У.Арабов, Б.А.Исломов, Ш.Д.Кудбиев, Б.Ш.Махкамов, Х.Х.Мамадалиева, Д.А.Насимов, Ш.Х.Назаров, Д.Н.Раҳимова, Н.Х.Раҳимова, Р.Р.Хасанов, З.Я.Худойбердиев, Ш.Р.Холмўминов⁵ ва бошқаларнинг илмий ишлари ҳам ушбу илмий муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган. Бу илмий изланишларда меҳнат бозорининг моҳияти, унинг шаклланиши, ишсизлик сабаблари ва уни камайтиришнинг асосий йўналишлари очиқ берилган.

Бироқ ушбу тадқиқотларда меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни тартибга солишнинг иқтисодий асослари чуқур ва кенг ўрганилмаган. Шунигдек, меҳнат бозори самарали шаклланишининг иқтисодий механизмлари етарлича тадқиқ этилмаган. Бу муаммоларнинг рақамли иқтисодиёт шароитидаги аҳамияти ва тўлиқ ўрганилмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг мақсад ва вазифаларини аниқлашга имкон яратади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170928644 «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммолари» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни мувофиқлаштиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меҳнат бозори мутаносиблигининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини асослаш;

меҳнат бозори мутаносиблигига эришишнинг методологик ёндашувларини ишлаб чиқиш;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида меҳнат бозори трансформацияси жараёнини тадқиқ этиш;

Самарқанд вилояти меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб ва таклиф динамикасини ўрганиш ва таҳлил этиш;

меҳнат бозорига таъсир этувчи иқтисодий омиллар бўйича эконометрик тадқиқотлар ўтказиш;

⁵ Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги (илмий ўқув қўлланма). – Т.: Университет, 2006; Қ.Х.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «Меҳнат», 2009; Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Меҳнат иқтисодиёти: Ижтимоий меҳнат муносабатлари: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011; Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий хусусиятлари. Монография. –Т.: «LESSON PRESS» 2017. 188 б.; Максакова Л.П. Узбекистан: совершенствование управления трудовой миграции в аспектах принимающих стран//V Уральский демографический форум. Россия 2014; Ш.Р.Холмўминов. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (Монография). – Т.: «Fan va texnologiya», 2014; З.Я.Худойбердиев ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. «ILMZIYO» 2016; Артыкова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ.– Т.: ТГЭУ. 2006; Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш (монография). – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, - 270 б.

Самарқанд вилояти қишлоқ жойларида иш кучига бўлган талаб ва таклиф механизмини социологик баҳолаш;

қишлоқ жойларда иш кучига талабни тартибга солиш механизмининг самарадорлигини ошириш йўллари асослаш;

қишлоқ жойларда иш кучи таклифи механизмини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни мувофиқлаштиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти меҳнат бозори олинган.

Тадқиқотнинг предмети меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни тартибга солишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқаришнинг технологик ўлчамларига мос иш жойларини ташкил этиш жараёни корхонада янги жиҳозлар ўрнатиш ва янги технологияларни жорий қилишни режалаштириш ҳамда меҳнат ресурсларининг касб-малака тузилмасининг унга мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг меҳнат бозорига таъсирини рейтинг баҳолаш услуби тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, иқтисодий бирликлар сони ҳамда ишсизлик даражасини туманлар бўйича ўртача миқдоридан қиймат кўрсаткичлари ошишини ажратиб олиш асосида такомиллаштирилган;

худудий меҳнат бозорида иш билан бандликка кўмаклашиш тадбирларини молиялаштириш харажатлари таркибининг динамик қаторлар даражаси ўзгаришини энг юқори ва энг паст кўрсаткичларини аниқлаш механизмининг чизикли тренд модели таклиф этилган;

меҳнат бозорида иш кучига талабни оширишнинг иқтисодий механизми худудларда инвестицион фаолликни ошириш, фаол таркибий сиёсатни такомиллаштириш, иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлаш ҳамда иқтисодий фаолликни рағбатлантириш чораларини жорий этиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни тартибга солишнинг назарий таҳлилининг ўрганиш нуқтаи назаридан «меҳнат бозорини тартибга солиш» тушунчасининг муаллифлик ёндашуви асосланган;

Самарқанд вилоятида ўтказилган эконометрик тадқиқотлар натижасида меҳнат бозори асосий белгилар билан тавсифланган;

вилоят ҳудудларида иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда жойларда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашни такомиллаштиришга доир тавсиялар тақдим қилинган;

меҳнат бозорида иш кучига талаб ва тақлифни иқтисодий тартибга солишда янги иш ўринларини яратиш ва мавжудларини сақлаб қолиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядаги хулосалар, илмий-амалий тавсияларнинг меҳнат бозорида иш кучига талаб ва тақлифни тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари ҳамда меҳнат бозорини мувофиқлаштиришга бўлган ёндашувни иш жойининг ишлаб чиқариш-технологик ўлчамлари асосида услубий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда келтирилган хулоса ва амалий тақлифлардан меҳнат бозорини самарали ривожлантириш бўйича тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда иқтисодиёт йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида «Меҳнат бозори иқтисодиёти», «Персонал иқтисодиёти», «Меҳнат иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва тақлифни тартибга солишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқаришнинг технологик ўлчамларига мос иш жойларини ташкил этиш жараёни корхонада янги жиҳозлар ўрнатиш ва янги технологияларни жорий қилишни режалаштириш ҳамда меҳнат ресурсларининг касб-малака тузилмасининг унга мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштириш тақлифи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳудудларда бандлик дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 6 мартдаги 01/00-04/04-2703-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу тақлифдан фойдаланиш меҳнат бозорининг кўлами ва даражасига кўра, замонавий иш жойлари ва касб-малака тузилмалари бўйича иш кучига талаб ва тақлифни мувофиқлаштиришнинг илмий ёндашуви асосланган хулосаларни асослаш имконини берган;

ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг меҳнат бозорига таъсирини рейтинг баҳолаш услуги тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми,

иктисодий бирликлар сони ҳамда ишсизлик даражасини туманлар бўйича ўртача миқдоридан қиймат кўрсаткичлари ошишини ажратиб олиш асосида такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳудудларда бандлик дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 6 мартдаги 01/00-04/04-2703-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш ҳудуд ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларининг меҳнат бозорига таъсирини туманлар кесимида рейтинг баҳолашга мувофиқ тўпланган баллар асосида ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳолатини аниқ баҳолаш имконини берган;

ҳудудий меҳнат бозорида иш билан бандликка кўмаклашиш тадбирларини молиялаштириш харажатлари таркибининг динамик қаторлар даражаси ўзгаришининг энг юқори ва энг паст кўрсаткичларини аниқлаш механизмининг чизикли тренд модели Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан иш билан бандликка кўмаклашиш тадбирларини молиялаштириш харажатларини прогноз қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 6 мартдаги 01/00-04/04-2703-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялардан фойдаланиш ҳудудда аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи тадбирларга молиявий сарфлар таркибида нофаол сиёсатга сарфлар улушини йилига ўртача 3,0%га камайишини аниқлаш имконини берган;

меҳнат бозорида иш кучига талабни оширишнинг иқтисодий механизмини ҳудудларда инвестицион фаолликни ошириш, фаол таркибий сиёсатни такомиллаштириш, иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлаш ҳамда иқтисодий фаолликни рағбатлантириш чораларини жорий этиш асосида такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳудудларда бандлик дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 6 мартдаги 01/00-04/04-2703-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудий меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол иш билан бандлик тадбирларини ишлаб чиқишнинг асосланганлик даражасини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 6 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 5 та ва нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 11 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Мехнат бозорини мутаносиб ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида мехнат бозорини мутаносиблаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, иш кучига талаб ва таклифни тартибга солишнинг моҳияти, мазмуни ва шаклланиш хусусиятларини тавсифловчи назарий ёндашувларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш асосида мехнат бозорини тартибга солиш категориясининг муаллифлик таърифи ва унинг ривожланиш тамойиллари ишлаб чиқилган. Шунингдек, мехнат бозорини мутаносиблаштиришга эришишнинг методологик ёндашувлари илмий жиҳатдан асосланган ҳамда иш кучига талаб ва таклифни тартибга солишнинг самарали иқтисодий механизмнинг таркибий элементлари аниқланган ҳамда мехнат бозорини рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида трансформациялашуви илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Мехнат бозори мутаносиблигининг жиҳатлари иқтисодий назариянинг классиклар, янги классиклар, институционалчилар, монетарчилар, кейнсчилар ва бошқа илмий мактаблар намояндалари томонидан тадқиқ қилинган. Улар томонидан мехнат бозоридаги тенгсизликни келтириб чиқарадиган омиллар сифатида: давлат томонидан иш ҳақининг энг кам даражасини ўрнатиш, бўш иш жойлари ва иш кучи захиралари мавжудлиги тўғрисидаги зарур маълумотнинг мавжуд эмаслиги кўрсатилади.

Иқтисодий-назарий мактабларда мехнат бозоридаги талаб ва таклиф мутаносиб бўлишининг шартлари белгилаб берилган. Жумладан, рақобатли ва монополия мехнат бозорларида талаб ва таклифнинг асосий тартибга солувчиси иш ҳақи бўлади, аммо корхоналарда бу масалага турлича ёндашилади.

Соф рақобат мехнат бозорида ҳар бир тадбиркор кам сонли ишчиларни ёллайди, бу иш ҳақи ставкасига таъсир кўрсатмайди. Монополист бўлган иш берувчи иш ҳақи ставкасини ва тегишли равишда, ходимлар учун харажатни камайтириш мақсадида иш билан бандликни қисқартириш манфаатли деб ҳисоблайди. Ана шундай мехнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган механизмларни, айниқса, шаҳарлардаги корхоналарда учратиш мумкин. Назарий ёндашувларга мувофиқ, шунингдек, мехнат бозорида фуқароларни ҳимоя қилишнинг давлат дастурлари мавжудлиги ёки

мавжуд эмаслиги меҳнат бозоридаги иш кучи таклифи нисбатини, иш ҳақи ставкалари ва ходимлар сонини белгилайди.

Меҳнат бозори мутаносиблигининг ҳолатини таҳлил этишда иқтисодчи олимлар томонидан «камомадли», «ортиқча», «номутаносиб» - меҳнат бозорлари тоифалари кўрсатилади⁶. Шу билан бирга, «малака етишмаслиги» (skillshortage) ва «меҳнат етишмаслиги» (laborshortage) меҳнат бозорлари фарқланади.

Ўзбекистонда меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни мутаносиблаштиришда Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида академик Қ.Х.Абдурахмонов раҳбарлигида фаолият олиб бораётган «Меҳнат иқтисодиёти» Илмий мактаби тадқиқотларининг қуйидаги омиллари: иқтисодий фаолликнинг даражаси, тармоқда иш ҳақининг миқдори, тармоқда ишсизликнинг даражаси, шу билан бирга, мутахассис ва малакали ишчиларга талабнинг ошиши, инвестициялар ҳажми, иш кучининг жамланма айланмаси, таркибий ўзгаришлар коэффицентини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Ана шундай методологик ёндашувнинг асосий устунлиги сифатида қуйидагилар кўрсатилади: меҳнат ресурсларига талаб ва таклиф детерминантлари; таҳлилнинг батафсиллиги (бевосита меҳнат ресурслари таклифи ва талабининг касб тузилмаси таҳлил этилади); фақат муаммонинг миқдори эмас, шунингдек, сифат жиҳатларининг ҳам таҳлил этилиши; меҳнат бозори мутаносиб ҳолатининг таклиф этилган модели; талаб ва таклиф детерминанти кенг доирасининг кўриб чиқилиши.

Диссертант ўз тадқиқотлари доирасида умумлаштирилган «меҳнат бозорининг мутаносиблиги»га концептуал ёндашиш кераклиги тўғрисида хулосага келади. Хусусан, меҳнат бозорида иш кучига талаб ва унинг таклифи қуйидагиларни: демография ва миграция жараёнлари; олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг касб-малака даражаси ҳамда иқтисодиёт тармоқларида уларга эҳтиёж, янги иш жойлари ташкил этаётган иш берувчиларни, иш билан бандликнинг замонавий ва ноанъанавий турларини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини камраб олиши кераклиги асосланди.

Муаллиф фикрича, меҳнат бозори мутаносиблигининг микроиқтисодий асосларини татбиқ қилишда иш кучига талабни белгилайдиган қуйидаги детерминантларни ҳисобга олиш муҳимдир: ёш-жинс таркиби, таълим ва малака бўйича табақалаштирилган корхона ходимларининг сони; ишлаб чиқариш жараёни технологик ўзгаришларга хизмат кўрсатадиган ходимлар сонининг комплекс ҳисоб нормалари; корхона ишлаб чиқараётган пировард маҳсулот ҳажмининг (турлари гуруҳлари бўйича) динамикаси, корхона технологияси (жиҳозлари), маҳсулот бирлигига фойда миқдори.

⁶ Гимпельсон В. Спрос на труд и квалификацию в промышленности: между дефицитом и избытком / В. Гимпельсон, Р. Капельюшников, А. Лукьянова. – М., 2007. – 60 с.

Бу иш жойларининг ишлаб чиқиш-технологик ўлчовлари ҳамда меҳнат ресурсларининг касб-малака тузилмасини мувофиқлаштириш имкониятини беради.

Меҳнат бозорида талаб ва таклифни мутаносиблаштириш учун баланс усулидан фаол фойдаланилади. Ҳозирги пайтда ҳам меҳнат ресурсларининг кўшма балансини тузишнинг бирламчи методологик принциплари қуйидагилар ҳисобланади: унинг кўрсаткичларини миллий ҳисоблар тизими асосида тармоқлараро балансининг асосий кўрсаткичлари билан боғлаш; меҳнат ресурсларининг улардаги фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича фойдаланишга таққосланишига эришиш учун меҳнат ресурсларини устуворлик иш билан бандлик бўйича фаолиятнинг ҳар бир турига тақсимлаш (машғулотнинг уч тури асосий ҳисобланган ходимлар сони ҳисобга олинади); меҳнат ресурсларини шаҳарлар ва қишлоқлар бўйича алоҳида-алоҳида таққослашни таъминлаш, чунки меҳнат ресурслари яшаш жойига қараб, улардан эса, иш ва ўқитиш жойига қараб фойдаланилади.

Рақамли иқтисодиётда меҳнат муносабатларини ривожлантириш доимий ходимларни вақтинчалик ижрочилар билан алмаштиришга олиб келади, бунда кўпчилик ишчи-ходимлар корхона ва ҳатто миллий чегаралардан минглаб километр узоқликда ишларни бажаришни таъминлайдилар. Кейинги йилларда штатда бўлмаган ходимлар – фриланслар сони тез ортаётгани одатий ҳолга айланмоқда. Жумладан, фақат АҚШда ҳозирнинг ўзида фриланс тартибида, шу жумладан, ўриндошлик асосида ҳам ишлаётганлар сони 57,3 миллион кишига етди, бу мамлакатдаги иш билан бандларнинг 36%ини ташкил этади⁷.

Меҳнатнинг янги шароитлари меҳнат ресурсларининг рақамли кўникмаларини талаб қилади. «Рақамли кўникмалар» деганда, одатда, маълумотларни излаш ва уларни бошқариш, рақамли матнни яратиш ва тарқатиш, ўзаро ҳамкорлик муаммоларини ҳал этиш, таълим олишга интилиш, умуман, ижтимоий фаоллик талаб қилинади.

Янги рақамли технологиялар меҳнат бозорига ижобий таъсир кўрсатадиган қатор хусусиятларга эга:

– биринчидан, иш излаш учун замонавий рақамли порталлардан фойдаланиш, номзодлар долзарб бўш иш жойлари базасидан фойдалана олишлари учун ўз имкониятларидан самарали фойдалана оладилар. Интернет ва махсус веб-хизматлар туфайли ишга қабул қиладиган компанияларда, шунингдек, номзодлар тўғрисидаги маълумот очиклиги ортади. АҚШда LinkedIn платформасида 130 миллиондан кўпроқ одам рўйхатга олинган. Бу АҚШдаги иш билан бандларнинг аксарият кўпчилигини ташкил этади. Шу билан бир қаторда, турли ижтимоий тармоқлардан иш берувчилар ва ходимлар тўғрисида жуда кўп фойдали маълумотларни олиш мумкин;

⁷ Horowitz, S. Freelancing in America 2017 / S. Horowitz // Freelancers Union. – Mode of Access: <https://blog.freelancersunion.org/2017/10/17/freelancing-in-america-2017/>.

– иккинчидан, рақамли платформалар меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади, чунки улар номзоднинг таклиф этилаётган иш жойига мувофиқлигини анча аниқ таъминлай олади. Бундан ташқари, улар ишсизликни камайтириш, шунингдек, норасмий иш билан бандликни қисқартиришга ҳам хизмат қилади. Мисол сифатида меҳнат бозоридан талаб ва таклиф даражасининг самарали мутаносиблигига асосланган Uber ва YouDo рақамли платформаларини келтириш мумкин;

– учинчидан, замонавий рақамли воситиларнинг жорий этилиши барча соҳаларда янги касблар ва иш жойлари пайдо бўлишига кўмаклашмоқда. Авваллари аҳолининг катта қисми биринчи секторда (хом ашё ишлаб чиқаришда, масалан, қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон саноатида) ишлар эди. Биринчи саноат инқилоби давомида ана шу ҳолат ўзгарди: меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми иккинчи секторга (қайта ишлайдиган саноат) ўтди. Бугунги кунга келиб эса, учинчи сектор (хизмат кўрсатиш) ривожланиб келмоқда. Ҳозир бу соҳада ходимларнинг 70%и иш билан банд. Айрим муаллифлар фикрича, кўп ўтмасдан тўртинчи – ахборот хизматлари ва бешинчи – юксак интеллектуал стандартларни талаб қилувчи хизматлар пайдо бўлади;


– тўртинчидан, замонавий технологиялар туфайли узокдан туриб ишлаш имконияти пайдо бўлди. Бу талаб паст ва чегараланган минтақалардаги мутахассисларнинг самарали иш билан банд бўлиши имкониятини оширди.

Диссертация ишининг «**Меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклиф механизмининг асосий кўрсаткичлари**» деб номланган иккинчи бобда Самарқанд вилоятнинг иқтисодий ривожланишида меҳнат бозорининг амал қилиш механизмига аниқлик киритиш, унга таъсир этувчи иқтисодий омиллар бўйича эконометрик тадқиқот, қишлоқ жойларида иш кучига бўлган талаб ва таклиф механизмини социологик баҳолаш амалга оширилган.

Иш билан бандликнинг самарадорлиги хусусияти ишловчиларни мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари бўйича тақсимлаш тузилмасидан иборат. Ҳозирги вақтда аҳолининг иш билан бандлиги бўйича иқтисодиётдаги тармоқ тузилиши мавжуд жамият меҳнат потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги даражаси пастлигини акс эттиради ва у тубдан ўзгартирилишга муҳтождир.

Шу билан бирга, мамлакатда ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сони, иқтисодий нофаол аҳоли ва ишсизлар даражаси бўйича амалга оширилган таҳлиллар охириги йигирма йил ичида жуда кам миқдорда ўстганлиги, ишсизлар сони эса йилдан-йилга кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Самарқанд вилояти меҳнат бозори ҳолатига назар ташласак, жами иш кучига таклиф миқдори 2007-2020 йилларда 42,0%га ошган. Шундан, илк бор иш қидирувчи ёшлар (167,3%), иқтисодиёт тармоқларидан ишдан бўшаб чиқаётган ходимлар (173,7%), ҳарбий хизматдан бўшатирилганлар (122,8%), кадрлар кўнимсизлиги сабабли ишдан бўшайдиганлар (127,2 %), фаол иш қидирувчи аҳоли (122,6%) сони ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган (1-расм).




1-расм. Самарқанд вилояти меҳнат бозорида иш кучи таклифи миқдори⁸, (киши ҳисобида)

Ҳозирги вақтга келиб, ижтимоий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан қаралганда, қишлоқ жойлардаги ҳолат ўзгариб, унда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқлар асосий иқтисодиёт секторига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларни кенгайтириш масалаларига эътиборни қаратиш қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш, норасмий иш билан бандликни камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш имкониятини яратади.

Самарқанд вилояти меҳнат бозорида жами иш кучига талаб 2007 йилда 91522 кишини ташкил этиб, 2020 йилда бу кўрсаткич 84,0 %га ўсган. Шундан қишлоқ жойларда иш кучига таклиф вилоят бўйича жами иш кучи таклифига нисбатан 2007 йилда 84,5 %ни, 2020 йилда эса, 85,6 %ни ташкил этган. (2-расм).

⁸ Манба: Самарқанд вилояти Бандлик Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.



**2-расм. Самарқанд вилоятида меҳнат бозорида иш кучига талаб⁹
(киши ҳисобида)**

Самарқанд вилоятида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар сонининг йиллар мобайнида нисбатан пасайиб боришининг асосий сабаби бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотларнинг камлиги, мавжуд бўш иш ўринлари нуфуз даражасининг юқори эмаслиги каби омиллар ҳисобланади. Шу билан бирга, вилоятда касбга ўқитиш ва малакасини оширишга йўналтирилганлар маблағлар салмоғи 2020 йилда 2010 йилга нисбатан уч мартага ошган.

1- жадвал

Самарқанд вилоятида «Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури»нинг бажарилиши¹⁰ (киши)

Кўрсаткичлар	2010 йил	2012 йил	2014 йил	2017 йил	2020 йил	2010-2020 й.й.да ўзгариш, (%)
БКМга иш сўраб мурожаат қилганлар	78416	74605	42200	28052	52887	67,4
БКМлар йўлланмаси билан ишга жойлашганлар	77418	73524	40125	25410	26627	34,4
Касбга ўқитиш ва малакасини оширишга йўналтирилганлар	652	1125	587	615	1902	2,9 марта
Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилганлар	3245	5609	1365	2223	19507	6,0 марта
Ишсизлик нафақаси тайинланганлар	1154	1116	90	188	266	23,1
Корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари	3582	2763	3201	3852	4585	128,0

⁹ Манба: Самарқанд вилояти Бандлик Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹⁰ Ўша жойда.

Шунга мос равишда, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этганлар сони 2010 йилда 3245 кишини, 2020 йилда эса 24536 кишини ташкил этган, яъни ушбу кўрсаткич 2010-2020 йилларда 6,0 мартага ошган. Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан ишсизлик нафақаси тайинланганлар сони 23,1%гача камайган. Самарканд вилояти бўйича корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари сони ҳам 28,0%га ошган. Бундан кўринадик, меҳнат бозорининг тиғизлик коэффициенти нисбатан пасайган (1-жадвал).

Худудий меҳнат бозорида иш билан бандликка кўмаклашиш сиёсатини молиялаштиришга бўлган харажатлар таркибини динамик қаторлар даражаси ўзгаришининг умумий тенденциясини аниқлаш учун геометрик текислаш усули орқали қайта баҳолаш методикаси такомиллаштирилди.

Бунда аналитик текислашдан (тренд таҳлилдан) фойдаланиб, аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашувчи фаол ва пасив тадбирларни молиялаштириш харажатлари таркибининг динамикаси таҳлил этилди. Динамик таҳлилда нафақат ривожланиш тенденцияси, балки ўрганилган ривожланиш босқичи давомида етарли даражада барқарор бўлган асосий тенденция тадқиқ этилди. Асосий ривожланиш тенденцияси деб, тасодифий тебранишлардан холи маълум бир вақт мобайнидаги ходиса даражасининг равон ва барқарор ўзгаришига айтилади. Шунга кўра, қўйилган масаланинг моҳияти шундаки, турли хил тасодифий омиллар таъсиридан холи бўлган қаторлар даражасидаги ўзгаришларнинг умумий тенденциясини намоён қилишдан иборатдир.

Динамик қаторларда аналитик текислаш усули мазмуни шундан иборатки, жами ривожланиш тенденцияси вақт функцияси сифатида ҳисобланади:

$$yt = f(x), \quad (1)$$

Бу ерда: yt - мос келувчи аналитик тенгламада t вақтда ҳисоблаб чиқилган динамик қаторлар даражаси. yt назарий даражаларини аниқлаш динамика қаторлари асосий тенденциясини энг мақбул тарзда акс эттирувчи адекват математик модел асосида амалга оширилади.

Модел типини – чизикли функция: $yt = a_0 + a_1t$, бу ерда, a_0 , a_1 -тенглама параметрлари, t - вақт. Эгри чизикли $yt = a_0 + a_1t$ тенгламани қўллаш асосида энг кичик квадратлар усулини қўллаш асосида тенглаштириш амалга оширилади. Бунда масалани ечиш назарий ва эмперик даражалари ўртасида фарқлар квадратининг минимал йиғиндиси билан аниқланади: $\sum (yt - yi)^2 \rightarrow \min$, бу ерда $>$, yt - тенглаштирилган даражалар; yi - ҳақиқий даража. Бу шартни қондирувчи ai тенглама параметрлари, нормал тенгламалар системасини ечиш орқали амалга ошириш мумкин.

$$\begin{cases} a_0n + a_1 \sum t = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum yt \end{cases} \quad (2)$$

Агар бошланғич вақт ($t = 0$) сифатида марказий интервал қабул қилинса, у ҳолда параметрлар ҳисоб-китоби анча осонлашади.

$\sum t = 0$, ўз-ўзидан, нормал тенгламалар системаси қуйидаги кўринишга келади:

$$\begin{cases} \sum y = na_0 \\ \sum yt = a_1 \sum t^2 \end{cases} \quad (3)$$

Биринчи тенгламадан: $a_0 = \frac{\sum yi}{n}$. Иккинчи тенгламадан: $a_1 = \frac{\sum yt}{\sum t^2}$.

2-жадвал

Фаол тадбирларни молиялаштиришга сарфлар таркиби динамикаси қаторлар чизигини текислаш¹¹

Йил (n)	yi	t	t^2	yt	yt
2008	37,6	-3	9	-112,8	43,55
2010	42,0	-2	4	-168	46,95
2012	41,7	-1	1	-41,7	50,35
2014	54,0	0	0	0	53,75
2016	56,0	1	1	56	57,15
2018	71,0	2	4	142	60,55
2020	74,0	3	9	222	63,95
Жами	376,3	0	28	97,5	376,3

Аниқланган тренд тенгламаси асосида тенглаштирилган даражалар ҳисобланади. Шундай қилиб, динамика қаторларини текислаш ҳақиқий даражаларни маълумотларни энг мақбул кўринишда кўрсатиб берувчи раво ўзгарувчи миқдорлар билан алмаштиришдан иборат. Тўғри чизик динамикаси қаторларини текислашни аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашиш, фаол ва пассив тадбирларни молиялаштириш сарфлар структураси динамикасида кўрсатилади. Фаол тадбирларни молиялаштириш сарфлар структураси динамикаси қаторларини текислаш учун чизикли тренд моделини тўғри чизик тенгламаси: $yt = a_0 + a_1t$ қўлланилади. Мазкур ҳолатда $n = 7$ - тоқ сон.

2-жадвалдан қуйидагилар аниқланади:

$$\sum yi = 376,3; \quad \sum yt = 97,5; \quad \sum t^2 = 28.$$

$$\text{Бунда, } a_0 = \frac{\sum yi}{n} = \frac{376,3}{7} = 53,75; \quad a_1 = \frac{\sum yt}{\sum t^2} = \frac{97,5}{28} = 3,4$$

Берилган функциянинг тренд моделини акс эттирувчи тўғри чизик тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади: $yt = 53,75 + 3,4t$. Берилган тенгламага t нинг қийматларини кетма-кет ўрнига қўйиб, текисланган миқдорларни аниқлаймиз (2-жадвалнинг охириги устуни). Айрим йиллардаги

¹¹ Манба: Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

сезиларли тебранишларга қарамасдан, олинган тенгламада фаол сиёсатга ҳаражатлар улушининг ортиши тенденцияси кузатилмоқда, Самарқанд вилояти аҳолини иш билан бандликка кўмаклашиш тадбирларига молиявий сарфлар структурасида: 2007-2020 йилларда фаол сиёсатга сарфлар улуши ҳар икки йилда ўртача 3,4 %га ошган.

Муаллиф аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш нофаол тадбирларни молиялаштиришга сарфлар структураси динамикаси қаторларини аналитик текислашни тўғри чизик бўйича ўтказди. Динамика қаторларини текислаш учун яна чизикли тренд модели – тўғри чизик тенгламаси қўлланади:

$$y_t = a_0 + a_1 t, \quad (4)$$

2-жадвалдан қуйидаги натижа аниқланади:

$$\sum y_i = 323,7; \sum y_t = -83,5; \sum t^2 = 28.$$

$$\text{Бундан, } a_0 = \frac{\sum y_i}{n} = \frac{323,7}{7} = 46,24; a_1 = \frac{\sum y_t}{\sum t^2} = \frac{-83,5}{28} = -3.$$

3-жадвал

Нофаол тадбирларни молиялаштиришга сарфлар таркиби динамикаси қаторлар чизигини текислаш¹²

Йил (n)	y_i	t	t^2	y_t	y_t
2008	62,4	-3	9	-187,2	55,24
2010	58,0	-2	4	-232	52,24
2012	58,3	-1	1	-58,3	49,24
2014	46,0	0	0	0	46,24
2016	44,0	1	1	44	43,24
2018	29,0	2	4	116	40,24
2020	26,0	3	9	234	37,24
Жами	323,7	0	28	-83,5	323,7

Изланган функциянинг тренд моделини акс эттирувчи тўғри чизик тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади: $y_t = 46,2 - 3t$. Берилган тенгламага t нинг қийматларини кетма-кет ўрнига қўйиб, текисланган миқдорлар аниқланади (3-жадвалнинг охириги устуни).

Олинган тенгламада нофаол сиёсатга ҳаражатлар улушининг камайиши тенденцияси кузатилмоқда, Самарқанд вилояти аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи тадбирларга молиявий сарфлар структурасида: 2007-2019 йилларда нофаол сиёсатга сарфлар улуши ҳар икки йилда ўртача 3,0 %га камайган.

Самарқанд вилояти бўйича аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш фаол ва пасив тадбирларни молиялаштиришга сарфлар таркиби 4-жадвалда кўрсатилган.

Вилоятда меҳнат бозорида иш билан бандликка кўмаклашиш тадбирларига қилинган ҳаражатлар таркибида фаол сиёсат хиссаси асосий

¹² Манба: Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

улушга эга. Самарқанд вилоятида ўтказилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ меҳнат бозори қуйидаги асосий белгилар билан тавсифланади: меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг ортиқчалиги ва уларнинг касбий-малака даражасининг пастлиги; ишчи кучига талабнинг мавсумий тебраниши; рационал ишга жойлаштириш имкониятларининг чегараланганлиги; ноқишлоқ иш жойларининг ва хизмат кўрсатиш соҳасининг паст даражада ривожланганлиги; иш билан бандликка кўмаклашиш инфратузилмасининг паст даражада ривожланганлиги. Айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилманинг паст даражада ривожланганлиги меҳнат ресурслари иш билан бандлигини таъминлаш имкониятларини чегараламоқда.

4-жадвал

Самарқанд вилояти ва унинг туманларида иш билан бандликка кўмаклашиш сиёсатига қилинган харажатлар таркиби¹³, %

Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.	2020 й.
Самарқанд вилоятида иш билан бандликни таъминлаш чора-тадбирларини молиялаштириш	100	100	100
Фаол	56,0	71,0	74,0
Пассив	44,0	29,0	26,0
Самарқанд вилояти туманларида иш билан бандликни таъминлаш чора-тадбирларини молиялаштириш	100	100	100
Фаол	58,0	75,0	78,0
Пассив	42,0	25,0	22,0

Шу билан бирга, мамлакатимизда иш билан бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармасига тўланадиган бадалларнинг қисқариши (0,1%) меҳнат бозорида иш ўринларини яратиш билан боғлиқ фаол тадбирларни молиялаштириш имкониятларининг қисқаришига олиб келмоқда.

Диссертация муаллифи Самарқанд вилоятининг меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишни ўрганиш мақсадида иш берувчилар ва ишсизлар ўртасида аниқ социологик сўровлар ўтказди. Қишлоқ жойларида меҳнат бозорининг самарали шаклланиши ва ривожланиши шароитида ишсизликни камайтириш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича иқтисодий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Шунга кўра, социологик сўров натижалари бўйича қишлоқ жойларида меҳнат бозори ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатдики, ишчи кучига талабнинг тақчиллиги шароитида туманлар аҳоли бундлигига кўмаклашиш марказлари фаолияти жараёнида фуқароларни аниқ ишларга тайёрлаши зарур. Яъни иқтисодиётни модернизациялаш, инновациялар ва фан сиғими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш асосида қишлоқ

¹³ Манба: Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

жойлари меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифни шакллантириш бўйича мослашувчан усуллардан фойдаланиш зарур.

Диссертация ишининг «**Қишлоқ жойларда иш кучига талаб ва таклифни тартибга солиш механизми**» деб номланган учинчи бобда иш кучига талаб ва таклифни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда «йўл харитаси» асосида меҳнат бозори мутаносиблигини таъминлаш юзасидан ташкилий чораларни ишлаб чиқиш масалалари таҳил этилган.

Тадқиқотлар натижасида меҳнат бозорида иш кучига талабни оширишнинг куйидаги иқтисодий механизми таклиф қилинмоқда:

1) инвестицион фаолликни рағбатлантириш. Имтиёзли кредитлаш тизимидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича мақсадга йўналтирилган пул таклифини амалга ошириш; иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар фоиз ставкасини мақбул ўрнатиш ва кредитлаш бўйича маъмурий тўсиқларни бартараф этиш; капитал қуйилмалар манбаси сифатида амортизация ажратмаларидан инвестиция киритиш йўналишида тўлиқ фойдаланишни таъминлаш; хорижий капитал ва аҳоли жамғармаларини инвестиция соҳасига жалб қилиш имкониятларини рағбатлантириш;

